

Суд мажлисида текширилмаган далилларга асосан ҳукм чиқарилганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 5 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2013 йил 29 июлдаги ҳукмига асосан, М. Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми "в", "л" бандлари билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. 2013 йил 14 апрель куни соат 22.30 ларда маст ҳолда ў.нинг бошқарувидаги "Дамас" русумли автомашинада уйига кетаётиб, ҳеч бир сабабсиз автомашина олд ўриндиғида ўтирган, 2-гурух ногирони У. билан жанжаллашиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан уни уятли сўзлар билан ҳақоратлаб, автомашина йўл четига тўхтаганида ердан ғишт бўлагини олиб, дастлаб автомашинанинг очик ойнаси орқали ногиронлиги сабабли ҳаракатланиши чегараланган ожиз аҳволдаги У.ни ўлдириш мақсадида, юз қисмига, сўнгра автомашинанинг орқа эшигини очиб, бошининг орқа қисмига икки марта қасддан урган. Воқеа жойига келиб қолган Р. уларни ажратиб қолиши натижасида, М. ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноятини охирига етказа олмаган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида, суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини

ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори учинчи бандида, судлар Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, бунда Жиноят процессуал кодексининг 26 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асослантирилган бўлиши лозимлиги тушунтирилган.

Биринчи инстанция суди иш бўйича ў., А., Ф.ни судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилмаган, уларнинг дастлабки терговдаги кўрсатмаларини суд мажлисида ўқиб эшиттирмаган бир вазиятда, ҳукмда уларнинг кўрсатмаларини М.нинг айбини исботловчи далил сифатида келтириб, хатога йўл қўйган.

Бундан ташқари суд мажлиси баённомасидаги жабрланувчи У.нинг кўрсатмаларида ҳодиса куни М. унга ўлдиришини айтмагани қайд этилишига қарамадан, ҳукмда жабрланувчи У. судда М. уни ўлдириш мақсадида ғишт парчаси билан ургани ҳақида кўрсатма берганлиги баён этилган.

Жабрланувчи У. дастлабки терговда, ҳодиса куни ў.нинг бошқарувидаги "Дамас" автомашинасида кетаётганида, М. уни ҳақоратлагани, ҳайдовчи автомашинада жанжаллашмасликларини айтиб, автомашинани йўл четига тўхтатганида, М. автомашинадан тушиб, ўлдираман деб бақириб, ердан ғишт бўлагини олиб, дастлаб юзига, сўнгра бошининг орқа қисмига урганлиги ҳақида кўрсатма берган бўлиб, судда эса кўрсатмаларини қисман ўзгартириб, М. уни "ўлдираман" деб айтмаганлигини баён қилган.

Суд ҳукм чиқаришда жабрланувчи У.нинг кўрсатмаларидаги қарама-қаршиликларга тегишли ҳуқуқий баҳо бермагани, ҳукмда баён қилинган суд ҳулосалари суд мажлиси баённомасидаги ҳолатларга мувофиқ эмаслиги, судда текширилмаган, шунингдек, ҳукмда кўрсатилган, бироқ суд мажлиси баённомасидаги ҳолатларга зид далиллар М.ни айблаш учун асос қилиб олинган.

Ушбу ҳолат апелляция инстанцияси судининг ҳам эътиборидан четда қолган.

Суд ишни кўришда иш ҳолатларини тўлиқ ва холисона текширмаганлиги, судда асосий гувоҳларни сўроқ қилмаганлиги ёки уларнинг кўрсатмаларини ўқиб эшиттирмаганлиги, жабрланувчининг кўрсатмаларидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилмаганлиги ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 455-моддаси талабларига риоя этмаганлиги сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 27 мартдаги ажрими билан М.га нисбатан чиқарилган суд ҳукми ва апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиниб, иш янгидан судда кўриш учун юборилди.

ЖСХ 5-7-14 назорат иши

